

ORIENTAL JOURNAL OF HISTORY, POLITICS AND LAW

journal homepage:
<https://www.supportscience.uz/index.php/ojhpl>

Oriental Journal of History, Politics and Law
Шарқий йориш, Ҳозирсанда Қонгур жана ғарият
ISSN 2181-2788
Oriental Journal of History, Politics and Law
2022 VOLUME - 2
DOI:10.37547/supsci-ojhpl

UZBEKISTAN-SHANGHAI COOPERATION ORGANIZATION: STRATEGIC PARTNERSHIP

Rakhmatulla Nurimbetov

PhD

SCO of the Republic of Uzbekistan
Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Shanghai Cooperation Organization, integration field, directions, cooperation, development, extension.

Received: 14.05.22

Accepted: 16.05.22

Published: 18.05.22

Abstract: The article is devoted to the analysis of the Shanghai Cooperation Organization, consideration of the prerequisites for its formation and the political association «Shanghai Five» as a basis for its formation, the subsequent extension of the SCO integration field due to the constant build-up and development of multilateral ties with countries located in the Central Asian and Asia-Pacific regions. The Shanghai Cooperation Organization, which was officially established on June 15, 2001, is a permanent intergovernmental regional international association. Over the 20 years of its existence, the composition has grown significantly. In total, there are eighteen states with the statuses of a full participant, observer and dialogue partner. The fact that the organization strives to continuously expand the framework of cooperation is its specificity and distinguishes it from other associations in the region.

ЎЗБЕКИСТОН - ШАНХАЙ ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ: СТРАТЕГИК ҲАМКОРЛИК ҚИРРАЛИ

Рахматулла Нуримбетов

PhD

Ўзбекистон Республикасининг ШХТ
Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Шанхай ҳамкорлик

Аннотация:

Мақола

Шанхай

ташкилоти, интеграция соҳаси, ҳамкорлик, ривожланиш, кенгайтириш.

Ҳамкорлик Ташкилоти фаолиятини таҳлил қилиш, уни шакллантириш ва “Шанхай бешлиги” сиёсий ассоциациясини шакллантириш учун асос сифатидаги шарт-шароитларни кўриб чиқиш, ШХТ интеграция майдонини доимий равища қуриш ҳисобига кейинчалик кенгайтиришга бағишиланган. Марказий Осиё ва Осиё-Тинч океани минтақаларида жойлашган давлатлар билан қўп томонлама алоқаларни ривожлантириш ва ривожлантириш. 2001-йил 15-июнда расман ташкил этилган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти доимий асосда фаолият юритувчи ҳукуматлараро минтақавий халқаро бирлашма ҳисобланади. Ўзининг 20 йиллик фаолияти давомида композиция сезиларли даражада ўсди. Ҳаммаси бўлиб, тўлиқ иштирокчи, кузатувчи ва мулоқот бўйича ҳамкор мақомига эга бўлган ўн саккизта давлат мавжуд. Ташкилотнинг ҳамкорлик кўламини доимий равища кенгайтиришга интилаётгани унинг ўзига хос жиҳати бўлиб, уни минтақадаги бошқа бирлашмалардан ажратиб туради.

УЗБЕКИСТАН-ШАНХАЙСКАЯ ОРГАНИЗАЦИЯ СОТРУДНИЧЕСТВА: СТРАТЕГИЧЕСКОЕ ПАРТНЕРСТВО

Рахматулла Нуримбетов

PhD

*ШОС Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Шанхайская организация интеграционное сотрудничество, поле, сотрудничество, развитие, расширение.

Аннотация: Статья посвящена анализу Шанхайской организации сотрудничества, рассмотрению предпосылок ее формирования и политического объединения «Шанхайская пятёрка» в качестве базиса для ее складывания, последующего расширения интеграционного поля ШОС за счёт постоянного наращивания и развития многосторонних связей со странами, расположенными в Центрально-азиатском и Азиатско-Тихоокеанском регионах. Шанхайская организация сотрудничества, которая была официально учреждена 15 июня 2001 года, представляет из себя действующее на постоянной основе межправительственное региональное

международное объединение. За 20 лет ее существования состав значительно вырос. Всего насчитывается восемнадцать государств, обладающих статусами полноправного участника, наблюдателя и партнера по диалогу. Тот факт, что организация стремится непрерывно расширять рамки сотрудничества, составляет ее специфику и отличает ее от остальных объединений региона.

КИРИШ

Кейинги йилларда Президент Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигига прагматик ва фаол ташқи сиёsat олиб бораётган мамлакатимизнинг минтақадаги ва умуман жаҳондаги нуфузи ортиб, халқаро жараёнларга ижфарқ обий таъсири тобора ортиб бормоқда. Бунда, шубҳасиз, республиканинг кўптомонлама ҳамкорлик институтлари – халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасидаги фаол иштироки муҳим роль ўйнамоқда. Шулар каторида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) алоҳида аҳамият касб этади.

ШХТ – бу мақомига кўра ҳукуматлараро халқаро ташкилот ва янги глобал бошқарув тизимини шакллантиришида иштирок этаётган тузилма. Маълумки, глобал бошқарув институтлари давлатлар учун минтақавий ва халқаро масалаларга тааллуқли муҳим қарорларни ишлаб чиқиша ва ҳаётга тадбиқ этишда иштирок этиш имконини беради.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистоннинг ШХТдаги аъзолиги мамлакатимизнинг бошқа халқаро ташкилотлардаги фаолиятидан фарқ қиласди. Зеро республика бу кўптомонлама тузилма ташкил топганидан кейин аъзо бўлиб кирмаган (масалан, БМТ ва унинг ихтисослашган муассасаларига аъзолиги сингари), балки уни таъсис қилишда бевосита иштирок этган. Яъни Ўзбекистон ШХТ фаолиятини белгилаб берган асосий тамойиллар ва қоидаларни ишлаб чиқиша ва кейинчалик уларнинг ШХТ Хартияси ҳамда Узоқ муддатли яхши кўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномада ўз ифодасини топган.

Жўрофий нуқтаи-назардан ёндошиласа, бугунги кунда ШХТ дунёдаги энг йирик минтақавий ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо мамлакатларнинг умумий худуди 34 миллион кимлометр квадратдан зиёд бўлиб, бу Евроосиё қитъасининг 60 фоиздан ортиқроқ ер майдони демакдир. Ташкилот мамлакатлари аҳолисининг умумий сони 3 миллиарддан ортиқ, бу сайёрамиз аҳолисининг қарийб ярмига teng. Ташкилот 8 нафар доимий аъзо, жумладан, Хитой, Россия, Хиндистон, Покистон (барчаси “ядровий давлат” мақомига эга) каби давлатлар, 4 та кузатувчи ва 9 та “мулоқот бўйича шерик” мақомига эга мамлакатларни бирлаштирган.

Бундан 21 йил олдин Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон ва Тожикистон каби миңтақа мамлакатларининг ШХТга таъсисчи давлатлар сифатида аъзо бўлиб кирганлиги ва фаол иштирок этиб келаётгани ушбу тузилманинг Марказий Осиёда барқарорлик ва ҳамкорликни илгари суриш учун нечоғлик катта аҳамиятга эга эканлигини намоён қилиб турибди.

Қолаверса, ташкилотга яқин давр ичида **Эрон Ислом Республикаси** тўлиқ аъзо сифатида қабул қилиниши кутилмоқда. Бошқача айтганда, ШХТ олдида стратегик жиҳатдан ўта муҳим бўлган Яқин Шарқ томон эшиклар очилмоқда.

Юқорида зикр этилган тенденцияларнинг барчаси ШХТнинг таъсисчи ва фаол аъзоларидан бири ҳисобланган Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг диққат марказида бўлишини тақозо атиши аниқ. Қолаверса, ҳозирда мамлакатимиз ушбу нуфузли ташкилотга раислик қилмоқда.

Ўзбекистоннинг янги ташқи сиёсий стратегияси охирги беш йил ичида ШХТ фаолиятида ҳам яққол ўз ифодасини топиб келмоқда. Мамлакатимиз ташкилот доирасида мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг устувор йўналишларига мос келувчи, унинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга қаратилган кўплаб салмоқли ташаббус ва таклифларни илгари суриб, унинг кун тартибини бойитишда фаол иштирок этиб келаётир.

Давлатимиз раҳбарининг раҳнамолигида ШХТ доирасида Ўзбекистон томонидан амалга оширилаётган стратегия конструктивлик, прагматизм ва ташаббускорлик каби асосий тамойилларга асосланган, дейиш мумкин.

Биринчидан, охирги беш йил ичида мамлакатимизнинг мазкур ташкилотга нисбатан ёндошуви *конструктивлик* томон ўзгарди. Бу нимада ўз ифодасини топомоқда. Энг, аввало, расмий Тошкент бугунга келиб ШХТнинг барча фаолият йўналишларидаги ҳамкорлик жараёнларида бевосита иштирок этиб келмоқда. Масалан, 2017 йилга қадар республика вакиллари ташкилотнинг хавфсизлик соҳасидаги айrim тадбирларида, хусусан, қўшма ҳарбий ва аксилтеррорчилик машғулотларида, шунингдек муайян маданий ва таълим дастурларида тўлиқ иштирок этмаганлиги маълум. Бугунда республика шу ва бошқа соҳаларнинг ривожланишига таъсир кўрсатибгина қолмасдан, ШХТнинг бошқа аъзолари томонидан илгари сурилаётган долзарб ва шу билан бирга умумий манфаатларга жавоб берувчи таклифларни тўлиқ қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Айтиш мумкинки, конструктив ёндошуви орқали Ўзбекистон ШХТнинг “тамал тоши” ҳисобланган “шанхай руҳи”даги “ҳамжиҳатликда тараққиёт” тамойилининг ҳаётга тадбиқ қилинишига бевосита ҳисса қўшиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ШХТнинг 2020 йилдаги саммитида “ташкilotимиз, қачонки унинг ҳар бир аъзоси кучли бўлсагина, у қудратли бўлади” – деган баёноти мамлакатимизнинг мазкур тузилмага нисбатан конструктив ёндошуvinинг моҳиятини тўлиқ очиб беради.

Иккинчидан, бошқа кўптомонлами дипломатия платформаларида намоён бўлаётган ташқи сиёсатимиздаги *прагматизм* ШХТдаги иштирокимизга ҳам тааллуқли. Расмий Тошкент томонидан илгари сурилаётган ташабbuslar, мамлакатимизнинг миллий манфаатлари ва унинг тараққиёти учун устувор йўналишларини акс эттирибгина қолмай, минтақани барқарор ривожлантиришнинг асосий вазифаларига тўлиқ мос келади. Шу сабаб, улар ташкilotнинг барча аъзолари томонидан кенг қўллаб-қувватланиб келинмоқда.

Кейинги пайтларда Ўзбекистон ШХТнинг улкан салоҳиятини амалий жиҳатдан муҳим бўлган соҳаларда ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтириш заруратини очик-ойдин баён этиб келади. Булар жумласига транспорт ва логистика, инновацион ва рақамли тараққиёт, маданий ва “халқ” дипломатияси кабиларни кўрсатиш мумкин.

Учинчидан, Ўзбекистон кейинги давр ичида ШХТдаги энг *ташабbusкор* аъзолардан бирига айланиб улгурди. Аслида бу, юқорида кўрсатиб ўтилган конструктивликка ва прагматизмга асосланган стратегиянинг маҳсули, дейиш мумкин. Яъни, ташкilotнинг муҳим жабҳалардаги фаолиятини кучайтириш ва унинг кун тартибини янги долзарб йўналишлар ҳисобига бойитиш истаги салмоқли ташабbuslarда ўз тасдифини топмоқда.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2017-2021 йиллар ичида мамлакатимиз раҳбари ШХТ саммитларида жами 50 га яқин муҳим ва долзар ташабbuslarни илгари сурган. Бу жуда катта ва салмоқли кўрсаткич аслида. Энг асосийси – улар нги хуқукий-меърий, “йўл ҳариталари”, дастурий ва концептуал ҳужжатлари шаклида, шунингдек, янги ҳамкорлик механизmlari кўринишида амалиётга татбиқ қилинмоқда.изчиллик билан ҳаётга тадбиқ этиб келинмоқда.

Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатимизнинг ташkilotdagi раислиги – ўзбек дипломатиясига катта масъулият юкловчи катта масъулиятли сиёсий жараён.

Шу билан бирга, раислик **Ўзбекистон учун ташkilot доирасидаги динамик тусдаги стратегияни давом эттирибгина қолмасдан, уни аниқ натижалар билан янги, мазмунли марралар билан бойитиш имкониятларини ҳам очиб беради.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2021 йил 16-17 сентябрда Душанбе шаҳрида бўлиб ўтган ШХТ саммитидаги дастурий нутқида мамлакатимизнинг ташkilot раислиги учун устувор этиб кўрсатилган вазифалар буни яққол кўрсатиб туриди. Жумладан, улар қуйидагилар:

савдо-иқтисодий, сармоявий ҳамкорлик ва саноат кооперациясини, транспорт-коммуникация ўзаро боғлиқлигини чуқурлаштириш;

камбағалликни қисқартириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш каби долзарб соҳаларда ҳамкорликни йўлга кўйиш ва кенгайтириш;

юқори технологиялар, инновация, маданий-гуманитар, соғлиқни сақлаш ва иқлим ўзгаришига қарши курашда ШХТ салоҳиятидан кенг фойдаланиш.

ШХТнинг халқаро алоқаларини янада кенгайтириш ва унинг жаҳондаги нуфузини мустаҳкамлаш.

Давлатимиз раҳбари Душанбе саммитида Ўзбекистоннинг ШХТдаги раислигида доирасида қатор янги ҳуқуқий, концептуал ва дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилишини маълум қилган эди. Жумладан:

- ШХТ доирасида кўп қиррали шерикликни янада кенгайтириш мақсадида ташкилотга аъзо давлатлар ўртасида Узоқ муддатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартномани амалга ошириш бўйича 2023-2027 йилларга мўлжалланган комплекс дастури;

- Минтаقا ичидаги савдони ривожлантириш бўйича қўшма ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиш;

- ШХТнинг Транспорт соҳасида ўзаро боғлиқлик стратегиясини ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнларини якунлаш;

- ШХТ маконида инфратузилмавий тараққиёт Дастири;

- ШХТ мамлакатларининг етакчи тиббиёт марказлари ўртасида юқумли касалликларни профилактика қилиш соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш бўйича Ҳаракатлар дастури;

- ШХТга аъзо давлатларнинг ваколатли органлари ўртасида музей иши соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битим;

- ШХТга аъзо давлатлар ўртасида қайта тикланадиган энергетика манбаалари соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги Битим.

Ўзбекистон раислиги остида ШХТнинг жами 80 дан ортиқ турли даражадаги тадбирлари ўтказилиши кутилмоқда ва уларда ташкилотнинг барча жабҳаларида ҳамкорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ кенг кўламли масалалар кўриб чиқиласди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан мамлакатимиз раислиги муносабати билан ШХТ кун тартибини истиқболли ва долзарб мавзуларда ҳамкорлик масалалари ҳисобига кенгайтиришга қаратилган иккита муҳим таклифи аллақачон ҳаётга тадбиқ этиб улгурилди. Хусусан, 2021 йилнинг ноябр ойида

ташкилот доирасида илк бор Ахборот-коммуникация технологиялари, жорий йилнинг 25 январида эса Камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича вазирлар даражасидаги йиғилишлар ўзбек томони раислигида ўtkазилди.

ХУЛОСА

Давлатимизнинг мазкур тузилмадаги иштироки доим иқтисодий ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши билан ажралиб туради. Бу, табиийки, унинг ШХТ раислигида ҳам ўз ифодасини топмасдан қолмади. Бу борада долзарб ташаббуслардан бири, масалан, “Ўзбекистон – ШХТ” индустрисал зонасини ташкил этиш. Мазур саноат зонасининг барпо этилиши ШХТга аъзо давлатлар ва бошқа хорижий инвесторлар билан биргаликда мамлакатимиз ҳудудида қўшма лойиҳаларини амалга ошириш имконини беради. Жорий йилда ШХТ Иқтисодий форуми ва Саноат янгиликлари ҳафталигини ўtkазиш ражалари ҳам шулар жумласидан.

Хуроса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, Ўзбекистоннинг ШХТдаги самарали раислигининг асосий натижалари шу йилнинг сентябр ойига режалаштирилган Самарқанд саммитида сарҳисоб қилинади.

Бизнингча, катта ҳалқаро аҳамиятга молик сиёсий-дипломатик форум бўлиши кутилаётган ушбу йиғилиш ташкилотнинг кейинги эволюцияси учун муҳим қадам сифатида тарихга кириши аниқ.

Мамлакатимиз олиб бораётган фаол, очик, прагматик ва конструктив ташқи сиёсат бўлажак саммит доирасида муҳим қарорлар ва ҳужжатларни қабул қилиш учун яхши замин яратиб беради.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Renate Mayntz. National States and Global Governance. VII Congreso Internacional del CLAD sobre la Reforma del Estado y de la Administración Pública, Lisboa, Portugal, 8-11 Oct. 2002 <https://clad.org/wp-content/uploads/2020/07/ConfPle-RMayntz-VIICong.pdf>

2. Captain Scott Andrew McClellan. The Shanghai Cooperation Organization: Should the U.S. be Concerned? <https://apps.dtic.mil/sti/pdfs/ADA589436.pdf>

3. Узбекистан поспособствует принятию Ирана в члены ШОС. <https://www.eurasiatoday.ru/central-asia/uzbekistan/8333>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг 2020 йил 10 ноябридаги саммитидаги нутки. <https://xs.uz/uzkr/post/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-shankhaj-hamkorlik-tashkiloti-sammitidagi-nutqi>

5. ШХТ саммити р ШХТ саммити раислиги расман Ўзбекистонга ўтди аислиги расман Ўзбекистонга ўтди. <https://www.gazeta.uz/uz/2021/09/17/sco/>